

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича №2 ШАРТНОМА

2022 йил 26. Январ

Чирокчи. ш.

«Ўзбектелеком» АКнинг Қашқадарё филиали номидан бузилган буён «Оператор» деб аталувчи, Қашқадарё филиали Чирокчи Телекоммуникация боғдамаси

(операторнинг номланиши)

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низоом асосида фаолият кўрсатувчи

Чирокчи Телекоммуникация боғдамаси бошлиги К.Б.Тураев

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тўғрисида бир томондан,

Юридик шахс.

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи, Эске Анкор ШБ
Манзили, Чирокчи тумани Таллоғи МФЙ Чирокчи й/зи
Раҳбар, Ф.И.Ш. Астапов Ш.О

буздан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани шу ҳақда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотига кўрсатилган алоқа хизматлари учун қуйидаги график асосида ҳақ тўлашни ўз зимасига олади Жумладан:

Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий йиллик баҳоси

60000

сумми ташкил этади

2022 й жами	1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ		
	Январ	февраль	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
сумма	<u>20000</u>	<u>20000</u>	<u>20000</u>									

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган ўзгаришлар доирасида хизмат кўрсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини туловчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига ўзгаришлар киритишга ҳақлидирлар.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларини ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент усуниси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, велеотекс ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

2.1.7. Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варақ фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.2. Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини ўзиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халақит берган ҳолларда;

- 3.1.7.-банд бузилганда, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга қадар.

Шартномани қайта тиклаш ва охириги қурилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузатиб бўлингандан сўнг ва Абонент томонидан маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқасининг телекоммуникациялар хизматлари учун ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади(алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилган муддат ҳам кирди).

2.2.4. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.5. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шартномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини ўзишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент бузортмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасида пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

3.12. Абонент курсатилган хизматлар ҳақини тулаш учун «Туловчига» ҳар ойда ҳисоб-варақ фактуралар нусхасини етказиб боради.

3.13. Абонент факатгина харажатлар сметасида алоқа хизматлари учун 2022 йида ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг 1.2 бандида курсатилган (бюджет ҳисобидан) туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблаг олувчига кўрсатиладиган телефон алоқаси хизматларига қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет ҳисобидан туланадиган каторида курсатилган сумма асосида ҳар чоракнинг учдан бир қисми доирасида ойма –ой туловни амалга оширади.

4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ.

4.1. Абонент смета харажати маблаглари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан ҳар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 100% тулов топшириқномасига асосан хизмат ҳақини тўлайди, сметада ажратилган маблаглардан ортиқча курсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг махсус ҳисоб-рақамидан туланиши уз зимасига олади.

4.2. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун тўловлар:

- олдиндан тўлов (бунақ) йўли билан амалга оширилади.

4.3. Олдиндан бунақ тариқасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.

4.4. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунақ суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:

- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;

- ҳисоблагичлар;

- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунақ суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.5. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга киради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.

4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилган амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонида тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмаса судга мурожаат қилиши мумкин.

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдоридан тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлик ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик миқдорда ундириб олинади.

4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5 НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

5.2 Томонлар ўзаро келишма олмаган ҳолларда, низолар Иқтисодий судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Мазкур шарномада кuzда тугилган мажбуриятларни бажармаслик эки тегишли равишда бажармаслик холида Тарафлар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади.

7. Шартноманинг амал килиш муддати

- 7.1. Мазкур шартнома 26 Январ 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгача амалда булади.
- 7.2. Шартнома тарафлар имзолаб уз мухрлари билан тасдиқлаганларидан сунг кучга кирган хисобланади.
- 7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб бир хил юридик кучга эга булиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан бериледи.
- 7.4. Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин
- томонларнинг келишувига мувофик
 - Уз.Р. конунчилик хужжатларида назарда тугилган холларда.

8. Низоларни хал килиш

- 9.1. Тарафлар шартномада курсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Уз.Р. Фукаролик кодекси ва Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар буладилар.
- 9.2. Тарафлар уртасида келиб чиқадиган низолар узаро келишув асосида агар тарафлар келиша олмасалар низолар Уз.Р. Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хужалик суди тартибида хал килинади.
- 9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йули билан хал килинади келишиш имкони булмаганда эса Кашкадаре вилоят Иктисодий судида хал килинади.

9. Бошка шартлар

- 10.1 Мазкур шартноманинг киритиладиган барча узгартириш ва кушимчалар эзма шаклда тузилиши ва хар ихкала тарафлар оркали имзоланиши керак.

10. Томонларининг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

Ижрочи
Чирокчи Телекоммуникация боғламаси
(ижрочининг номи)
Манзили Мустақиллик-2
тел/факс : 56-21-412
х/р: 20210000504074838334
Банк номи: Карши.ш АТ "Алокабанк"
Кашкадаре филиали
МФО: 00401 СТИР: 203366731
ОКЭД: 61100

Буюртмачи
Эсим Анхор ИТБ
(бюджет маблагларини олувчи номи)
манзили Чирокчи т/ме
Ташкент шаҳри Чирокчи к/м
тел/факс 56 22 388
ш/х* 100021860102427042402170001
Банк номи Марказий банк
х/в* 23402000300100001010
МФО 00014 СТИР 205912696
ОКОНХ 22100
Газначилик булиммаси номи
Чирокчи т/ме Ташкент шаҳри
Газна х/в 23402000300100001010
Банк номи Марказий банк
МФО 00014
Газначилик булиммаси СТИРи 201122919

Рахбар К.Б.Тураев



Рахбар Асташев Ш.О
(Ф.И.Ш)
Ш.Осташев
(имзо)
М.У



Юридик хулоса:

«Узбекистон Республикасининг Кашкадаре филиали хамда Эсим Анхор ИТБ ташкидоти уртасида жами: 60000 суммасида тузилган алока хизмати курсатиш буйича 2022 йил «26» Январ даги тузилган шартнома Узбекистон Республикасининг «Иқтисодик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугриси» даги Конун ва Фукаролик кодексининг талабларига асосида тузилган.

- Шартнома талаблари Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига жавоб беради.
- Шартнома мажбуриятлари бузиш холатлари буйича жавобгарлик ва низоларни хал этиш чоралари амалдаги конун хужжатлари талабларига жавоб беради. Хукукийнос



К.Б.Тураев